

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ОДИЛСУДЛОВНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ТАРТИБИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ф.Х. Адилкариева*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20084175>

Аннотация: Мазкур мақолада мамлакатда конституциявий назорат институтининг ривожланиши, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ваколатларининг кенгайиши ва унинг фаолиятини процессуал жиҳатдан такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган. Янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида Конституциявий суднинг ҳуқуқий мақоми ва функциялари қайта кўриб чиқилгани, хусусан, конституциявий шикоят институти жорий этилгани эътироф этилади. Шу билан бирга, суд фаолиятини тартибга солувчи процессуал нормаларнинг етарли даражада тизимлашмагани туфайли юзага келаётган муаммоларга эътибор ыаратилган. Муаллиф томонидан Конституциявий суд иш юритиш тартибини алоҳида қонун билан тартибга солиш зарурати асослантирилиб, қонуннинг асосий элементлари сифатида иш юритиш принциплари, суд таркиби, процессуал иштирокчилар, мурожаат қилиш тартиби, ишларни кўриб чиқиш босқичлари ва рақамлаштиришга оид таклифлар илгари сурилган.

Таянч сўзлар: Конституциявий одилсудлов, конституциявий назорат, конституциявий шикоят, суд иш юритиши, процессуал қонун, суд ислохотлари, суд мустақиллиги, рақамлаштириш.

ДАЛЬНЕЙШЕЕ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОГО ПОРЯДКА КОНСТИТУЦИОННОГО ПРАВОСУДИЯ

Аннотация: В данной статье анализируются вопросы развития в стране института конституционного контроля, расширения полномочий Конституционный суд Республики Узбекистан и совершенствования его в процессуальной деятельности. Отмечается, что на основе новой редакции Конституция Республики Узбекистан пересмотрены правовой статус и функции Конституционного суда, в частности, введён институт конституционной жалобы. Вместе с тем, отмечаются проблемы, связанные с отсутствием системного процессуального регулирования деятельности суда. Обосновывается необходимость принятия отдельного закона о порядке конституционного судопроизводства, а также предлагаются его отдельные элементы, принципы судопроизводства, состав суда, процессуальный статус участников, порядок обращения, стадии рассмотрения дел, вопросы цифровизации судопроизводства.

Ключевые слова: Конституционное правосудие, конституционный контроль, конституционная жалоба, судопроизводство, процессуальный закон, судебная реформа, независимость суда, цифровизация.

FURTHER IMPROVEMENT OF THE PROCEDURAL ORDER OF CONSTITUTIONAL JUSTICE

*Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси мустақил тадқиқотчиси, Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим катта прокурори адлия кичик маслаҳатчиси.

Abstract: This article examines the development of the institution of constitutional review, the expansion of powers of the Constitutional Court of the Republic of Uzbekistan, and the need to improve its procedural framework. It is noted that the adoption of the new edition of the Constitution of the Republic of Uzbekistan has significantly transformed the legal status and functions of the Constitutional Court, particularly through the introduction of the constitutional complaint mechanism. At the same time, the article identifies challenges arising from the lack of a comprehensive procedural regulation governing constitutional proceedings. The author substantiates the necessity of adopting a separate law on constitutional court procedure and proposes its key components, including principles of proceedings, composition of the court, procedural status of participants, rules of application, stages of adjudication and digitalization.

Keywords: Constitutional justice, constitutional review, constitutional complaint, judicial procedure, procedural law, judicial reform, judicial independence, digitalization.

Кириш

Мамлакатда конституциявий назорат институтини ривожлантириш сўнги йилларда давлат ҳуқуқий сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътироф этилиб, ушбу жараён изчил ва тизимли такомиллаштирилмоқда.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг институционал мақоми ва функционал юкламасини қайта кўриб чиқиш орқали унинг ҳуқуқий тизимдаги ўрни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш таъминланмоқда.

Бу борада мамлакат президенти Ш.Мирзиёев раҳбарлигида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда конституциявий назоратнинг таъсирчанлигини ошириш, уни инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмига айлантириш устувор вазифа сифатида майдонга чиқмоқда.

Конституциявий ислоҳотларнинг мантиқий натижаси сифатида янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси¹да мазкур суднинг ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилди ва унинг фаолияти мазмун-моҳияти бойитилди.

Ўзбекистон Республикаси Янги таҳрирдаги Конституцияси замирида Конституциявий суднинг ваколатлари бир мунча кенгайтирилганлигини ҳамда амалда Конституциявий суд фаолият юритаётган ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили натижасида кўйидаги фикрларни илгари суриш мумкин:

Хусусан, мавжуд тартиб ва шаклланган амалиётга кўра, Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси референдумига чиқарилаётган масалаларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради; Ўзбекистон Республикаси Олий судининг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида судлар ташаббуси билан киритилган мурожаатини кўриб чиқади; Конституциявий суд конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари муайян ишда қўлланилган ва Ўзбекистон Республикасининг [Конституциясига](#) мувофиқ бўлмаган қонунда

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145>

бузилган деб ҳисобловчи фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг шикоятларини ҳам кўриб чиқиш каби процессуал ваколатларни амалга оширади.

Конституциявий шикоят институтининг жорий этилиши – яъни жисмоний ва юридик шахсларга бевосита Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқининг мустақамланиши – конституциявий адолат моделини тубдан янгиланиши сифатида намоён бўлмоқда.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш доирасининг кенгайтирилиши, суд қарорларининг мажбурийлиги ва устуворлигини мустақамлашга қаратилган қоидаларнинг киритилиши эса мазкур органнинг ҳуқуқий таъсирчанлигини оширишга хизмат қилди, дейиш мумкин.

Шунингдек, суд фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, рақамли хизматлар кўламини кенгайтириш каби ташкилий чора-тадбирлар ҳам изчил амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, Конституциявий суд ваколатларининг кенгайтирилиши унинг фаолиятини процессуал жиҳатдан мукамал тартибга солиш масаласи кун тартибига чиқмоқда. Чунки, ҳар қандай суд фаолиятининг самарадорлиги фақат ваколатлар доираси билан эмас, балки уларни амалга ошириш механизмлари барқарорлиги, ягона процессуал тартиби мавжудлиги билан ҳам белгиланади.

Ҳуқуқ назариясида “қонуний тартиб-таомил” (яъни суд жараёнининг олдиндан белгиланган, барча иштирокчилар учун мажбурий ва адолатли қоидалар асосида амалга оширилиши) ҳамда “одил судловдан фойдаланиш имконияти” (яъни ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишда реал имкониятга эга бўлиши) каби фундаментал тамойиллар мавжуд бўлиб, улар конституциявий судловда ҳам тўлиқ таъминланиши лозим.²

Фикримизча, Конституциявий суд фаолиятини тартибга солувчи нормаларнинг мукамал эмаслиги ҳамда уларнинг асосан моддий-ҳуқуқий тусга эгаллиги процессуал жиҳатдан муайян бўшлиқларни юзага келтирмоқда.

Бугунги кунда Конституциявий суд томонидан «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида» ги Низом³ ва бошқа тегишли меъёрлар мавжуд бўлса-да, улар суднинг иш юритиш тартибини процессуал жиҳатдан тўлиқ қамраб олмаган кўринади.

Зотан, суднинг ички фаолиятини тартибга солиш бўйича мавжуд регламент ва Низомлар том маънода процессуал қонун бўлиб ҳисобланмайди.

Хусусан, мурожаатларни қабул қилиш ва дастлабки саралаш меъзонларининг аниқ эмаслиги, ишларни кўриб чиқиш босқичлари ва муддатларининг ягона тартибга эга эмаслиги, тарафларнинг процессуал мақоми етарлича очиб берилмагани, далилларни баҳолаш меъзонлари ва суд муҳокамасини ўтказиш шаклларининг тўлиқ регламентлаштирилмагани конституциявий судлов амалиётида бир хиллик ва барқарорликни таъминлашга тўсқинлик қилиши мумкин. Бу ҳолат эса ўз навбатида суд

² Қаранг: Ҳақимов, Р. Конституциявий одил судлов: назария ва амалиёт. — Тошкент: ТДЮУ, 2021. — Б. 78.

³ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низом // Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 2021 йил “31” майдаги КСҚ–8-сонли қарори билан тасдиқланган.

қарорларининг прогноз қилинадиганлиги ва ишончилигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шу боис Конституциявий суднинг иш юритиш тартибини комплекс тарзда белгилаб берувчи алоҳида қонунни қабул қилиш объектив ҳуқуқий заруратга айланмоқда.

Бундай қонун, аввало, конституциявий судловнинг асосий принципларини аниқ белгилаб бериши мумкин. Жумладан, коллегиялик принципи – яъни ишларни бир неча судьядан иборат таркибда кўриб чиқиш ва қарорларни кўпчилик овоз билан қабул қилиш тартиби мустақамланиши зарур. Бу принцип суд қарорларининг холислиги ва асослилигини таъминлашга хизмат қилади.

Шу билан бирга, суд таркибини шакллантириш, ишни кўриш учун зарур бўлган судьялар сони (кворум), овоз бериш тартиби ва судьяларнинг алоҳида фикр билдириш ҳуқуқи каби масалалар ҳам аниқ ҳуқуқий тартибга эга бўлиши лозим.

Конституциявий суд фаолиятида⁴ судьяларнинг холислиги ва беғаразлиги таъминланиши алоҳида аҳамият касб этгани сабабли, судьяни иш кўришдан четлатиш механизми ҳам қонунда батафсил тартибга солиниши ўринли бўларди, деб ҳисоблаймиз.

Жумладан, судьянинг иш натижасидан шахсий манфаатдорлиги мавжуд бўлган ҳолатлар, у илгари шу иш бўйича иштирок этган вазиятлар ёки унинг холислигига шубҳа туғдирувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлганда, унинг ишда иштирок этишига йўл қўймаслик тартиби аниқ белгилаб берилиши лозим. Бу эса одил судловни таъминлашнинг муҳим кафолатларидан биридир.

Шу билан бирга, Конституциявий суд иш юритишида иштирок этувчи субъектларнинг доираси ва уларнинг процессуал мақоми ҳам аниқ белгилаб берилиши мақсадга мувофиқ.

Мазкур судга мурожаат этувчи шахс (аризачи), давлат органлари, манфаатдор ташкилотлар ва бошқа иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг суд жараёнидаги иштироки шакллари ва имкониятлари қонун даражасида мустақамланиши муҳим. Айниқса, конституциявий шикоят институти доирасида фуқаронинг процессуал мақоми кучайтириш, унинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фаол иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш ижобий аҳамият касб этади.

Мурожаат қилиш тартиби ҳам аниқ ва тушунарли механизм сифатида шакллантирилиши лозим. Қонунда мурожаатнинг шакли, мазмуни, унга қўйиладиган талаблар, уни қабул қилиш ёки рад этиш асослари, шунингдек, мурожаатларни дастлабки кўриб чиқиш ва саралаш тартиби аниқ белгилаб қўйилиши зарур. Бу орқали суд фақат конституциявий аҳамиятга эга бўлган, ҳуқуқий жиҳатдан асосланган ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлади.

Конституциявий суд иш юритишининг босқичлари ҳам тизимли равишда мустақамланиши ўринли бўларди.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни // <https://lex.uz/docs/5391934>

Жумладан, мурожаатни қабул қилиш, уни дастлабки таҳлилдан ўтказиш, ишни моҳиятан кўриб чиқиш, суд муҳокамасини ўтказиш, қарор қабул қилиш ва уни эълон қилиш босқичлари аниқ процессуал тартиб асосида амалга оширилиши лозим. Бунда ишларни кўриб чиқишнинг оқилона муддатлари белгиланиши, ортиқча бюрократик кечиктиришларга йўл қўймаслик ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Суд харажатлари масаласи ҳам алоҳида эътибор талаб қилади. Конституциявий судга мурожаат қилиш ортиқча молиявий тўсиқлар билан боғланмаслиги, аксинча, фуқаролар учун имконият даражасида қулай ва мақбул шартларда (бепул ёки минимал харажатли, ижтимоий ҳимоя функциясини инобатга олган ҳолда) амалга оширилиши лозим. Бу эса конституциявий ҳуқуқларни суд орқали ҳимоя қилиш имкониятини амалда таъминлашга хизмат қилади.

Замонавий ҳуқуқий тараққиёт шароитида Конституциявий суд фаолиятини рақамлаштириш ҳам муҳим йўналиш сифатида қаралмоқда. Электрон мурожаатлар тизимини жорий этиш, суд жараёнларини рақамли форматда юритиш, масофавий иштирок имкониятларини яратиш, суд қарорларини очиқ электрон маълумотлар базасида жойлаштириш каби чора-тадбирлар суд фаолиятининг шаффофлиги, тезкорлиги ва самарадорлигини сезиларли даражада оширади. Бу эса фуқароларнинг судга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, Конституциявий суднинг қонун ва халқаро шартномаларни ратификация қилинишидан олдин Президент томонидан имзолангунига қадар мамлакат Конституциясига мувофиқлигини аниқлаши борасидаги ваколатини ҳам такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Хусусан, “Конституциявий суд тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасида Конституциявий суднинг ваколатлари белгиланган бўлиб, унда қуйидаги мазмундаги банд мавжуд: “Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан **имзолангунига қадар** – Ўзбекистон Республикаси конституция-вий қонунларининг, ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзолангунига қадар – Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлаши” белгиланган.⁵

Табиийки, бу борада кўплаб турли қарашлар мавжуд. Жумладан, Россиялик олим В.Чиркиннинг фикрига кўра, президент ҳам конституциявий назоратнинг баъзи функцияларини амалга ошириши мумкин. Чунки, Франция, Руминия, Белорусь Республикаси каби давлатларда Президент Конституцияга риоя этилишининг кафилидир. Бунинг маъноси шундан иборатки, Президент парламент томонидан қабул қилинадиган қонунни Конституцияга зид деб топса, уни имзоламаслиги мумкин, яъни вето ҳуқуқидан фойдаланади ҳамда бу қонун ўз-ўзидан кучга кирмайди. Президент худди шундай вазиятда бирор-бир қонун ёки бошқа норматив актнинг конституциявийлигини текширишни сўраб махсус конституциявий назорат органларига мурожаат қилиши мумкин.⁶

⁵ Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни // <https://lex.uz/docs/5391934>

⁶ Чиркин В.Е. “Конституционное право зарубежных стран”. М.: “Юрист” 2000, С.50.

Фалсафа доктори (PhD) М.Абдуллаеванинг фикрича, нафақат конституциявий қонунларнинг, балки жорий қонунларнинг ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг сўровига мувофиқ Конституциявий суд томонидан дастлабки назорат тартибида текшириш амалиётини қонунчилигимизда акс эттиришимиз лозим.⁷

Хорижий мамалакатлар қонунчилигида мазкур ваколат “президент сўрови” асосида ҳал этилиб, қонунчиликка мувофиқлаштирилган.

Конституциявий суд ишларини юритиш вазифалари фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқларини, эркинликларини, шунингдек корхоналар, муассаса ва ташкилот, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқларини, қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ишларни тўғри ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этишдан иборатдир.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, Конституциявий суд ваколатларининг кенгайиши шароитида унинг фаолиятини мукамал процессуал асосда тартибга солиш долзарб вазифага айланмоқда. Конституциявий суд иш юритиш тартибини белгилаб берадиган алоҳида қонуннинг қабул қилиш конституциявий судловнинг институционал ривожланишини, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг бир хиллигини таъминлайди, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш имкониятларини янада кенгайтиради ҳамда Конституция устуворлигини таъминлашнинг ишончли ҳуқуқий механизмини яратади.

⁷ Абдуллаева М.М. Ўзбекистон Республикасида Конституциявий судлов институтининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. Т.-2021.Б.65.